



**Абдурахим НОСИРОВ**  
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги  
умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар  
бошқармаси бошлиғи  
[nasirov\\_abdu@mail.ru](mailto:nasirov_abdu@mail.ru)

## **БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЧЕТ ТИЛИДАН ДАРС БЕРАЁТГАН ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ РОЛИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–1875-сонли қарори ижросига кўра Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари 2013 йилда ҳукумат қарори билан тасдиқланиб, чет тиллари бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига кўйиладиган талаблар белгилаб қўйилди.

Унга кўра умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф (4-синф) битирувчилари чет тилини **A 1** даражада яъни “Чет тилини эгаллашнинг бошланғич даражаси”да, 9-синф битирувчилари эса **A 2** “Чет тилини эгаллашнинг таянч даражаси”да билиши лозим бўлади. Демак, ўқувчиларнинг чет тилини ўрганишларини лексик бирликларга боғлаб ўлчайдиган бўлсак, I–IV синфларда ўрганиладиган 500та актив (продуктив) лексик бирлик ва V–IX синфларда эса 500та актив ва яна 500та пассив (рецептив) лексика ҳам ўрганилиши лозим деганидир.

Чет тили ўқув фанининг бугунги кундаги мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, ўқувчилар ёки тил ўрганувчиларда чет тили коммуникатив компетенцияси яъни чет тили бўйича эгаллаган билим, малака ва кўникмаларни мулоқот жараёнида қўллай олиш қобилиятларини шакллантириш устида чет тили ўқитувчилари, тил ўрганувчиларнинг ўзлари, методистлар ва барча мутасаддилар ишлаши керак.

Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда янги давлат таълим стандарти асосида умумтаълим мактабларининг 1-, 2-, 3-синфлари учун яратилган чет тили дарсликлари асосида бугунги кунда ўқувчиларимиз чет тилини иштиёк билан ўрганмоқдалар.

Ўрта махсус таълим муассасалари ва филологик ҳамда нофилологик олий таълим муассасаларида ҳам чет тилини ўрганиш ва ўргатиш жараёни янги ДТС асосида ўзгартирилиб, аста-секин ўқув дастурлари, дарсликлар янгиланиб, амалиётга жорий этилмоқда. Барча турдаги таълим муассасалари учун чет тилларидан янги ДТС ва ўқув дастурлари асосида дарслик мажмуалари, ўқув қўлланмаларини яратишда ва ғоявий концепциясини танлашда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва унинг қошида янгидан ташкил этилган Чет тилларни ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий маркази томонидан мувофиқлаштириб борилмоқда.

Халқ таълими тизимида ДТС ва ўқув дастур асосида умумтаълим мактаблари учун чет тили дарсликлари, мажмуалари ва мультимедиа ресурсларини яратиш истиқбол режасига кўра 2013-2014 ўқув йилида 1-синф учун, 2014-2015 ўқув йилида 2-синф, учун, ушбу ўқув йилида эса 3-синф учун чет тилларидан дарслик мажмуалари яратилди.

Жумладан, 2015–2016 ўқув йили учун чет тилларидан **1-синф** ўқувчиларига **641 365 нусха** чет тили дарсликлари (594281 нусха “Инглиз тили”, 26905 нусха “Немис тили”, 20179 нусха “Француз тили”), **2-синф** ўқувчиларига **591860 нусха** машқ дафтарлари (547654 нусха “Инглиз тили”, 25103 нусха “Немис тили”, 19103 нусха “Француз тили”), **3-синф** ўқувчиларига **1 185 998 нусха** дарсликлар ва машқ дафтарлари (550274 нусхадан “Инглиз тили”, 23610 нусхадан “Немис тили”, 19115 нусхадан “Француз тили”) чоп этилди.

ДТС ижроси узвийлигини таъминлаш мақсадида 2014, 2015 йиллари чет тилларидан 5-, 6-, 7-, 8-, 9-синфлар учун ўқитувчи китоби ва мультимедиа (DVD) иловалар ҳам янги стандарт талаблари асосида яратилди.

Мазкур дарслик мажмуалари маҳаллий муаллифлар томонидан хорижлик консультантлар ёрдамида мактаб ёшидаги болаларнинг психологик ва ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда яратилди. 3-синф дарслик мажмуалари 1-, 2-синф дарслик мажмуаларининг мантиқий давоми ҳисобланади. 1-синф учун дарслик алифбони ўргатишга эмас, ўйин услубларига, 2-синф учун дарслик эса ўқиш ва хуснихатга асосланган бўлса, 3-синф дарслигининг асосий фарқи болани гапиришга, эшитишга, ўқишга ва ёзишга интеграциялашган ҳолда ўргатиш ҳисобланади.

Чет тилларидан яратилаётган дарслик-мажмуалар бевосита Тошкентдаги Британия кенгаши, Гёте институти ва Франция элчихонаси билан ҳамкорликда хориждан жалб этилаётган экспертлар, яъни тил эгалари бўлган мутахассислар томонидан экспертизадан ўтказилиб, тажриба-

синовлар якунига кўра такомиллаштирилган ҳолда чоп этилиш механизми йўлга қўйилди.

Чет тили дарслик мажмуаларининг таркибий қисми ҳисобланган “Ўқитувчи учун методик қўлланма” тўлиқ чет тилида ёзилганлиги айрим ўқитувчиларда ҳанузгача муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Чет тили ўқитувчиларининг сифатли дарс ўтишлари учун методик қўлланмадан фойдаланмасликнинг иложи йўқлигини уларга аниқлаб, бу муаммони бартараф этишимиз лозим. Уларнинг ўзларини қийнаб бўлса-да, ушбу методик қўлланмадан самарали фойдаланишга эришишлари мақсадга мувофиқ. Мактаб маъмурияти томонидан ҳар куни ўқитувчи дарсга кириши олдидан назоратга олиниши, дарс таҳлилига кирган методист, ўқитувчи, раҳбарлар томонидан доимий равишда сўраб борилиши бу жараёнга ижобий таъсири бўлади деб ҳисоблаймиз.

Қарорнинг эътиборга молик муҳим жиҳати – умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларини чет тили дарслик-мажмуалари билан тўлиқ бепул таъминлашга қаратилганлигидадир.

Олиб борилаётган ислохотлар самарасида яна бир йилдан кейин 4-синфни битирадиган болажонларимиз дарсга оид кўрсатмаларни, ўқитувчи нутқини, кичик ҳажмдаги эртакларни, тенгдошларининг тасмага ёзилган нутқлари, диалог ва шеърларини **тинглаб тушунишлари**, ўрганётган чет тилида саломлаша олишлари, ўзини таништиришлари, таклиф этиши, сўраши, содда саволларга жавоб бера олишлари ва ёшига мос ўрганилган мавзуларда **гапир** олишлари кутилмоқда. Содда матнларни **ўқий олишлари**, муайян маълумотларни қидириб топишлари, табриклар, эслатмалар, содда саволларга жавоб ёза олишларини, чет тилида “SMS” жавоблар юбора олишларига эришиш мақсад қилиб қўйилган.



Эндигина 10–11 ёшга кирган фарзандларимиз, ўқувчиримиз алифбонинг барча ҳарфларини билиши, товушларни фарқлай олиши, ёзишни билиши ва сўзларни тўғри талаффуз қилишларини кўриш барчамизни қувонтириши табиий.

Ўқувчиларимиз, эртанги кун эгалари чет тилини юқоридаги талаб даражасида ўрганишлари учун бош-

ланғич синфларда уларга барча фанлар катори чет тилидан дарс бераётган ўқитувчиларининг алоҳида ўрни бор.

Ўтган ўқув йили республикадаги 9698та умумтаълим мактабларининг барчасида чет тиллари (инглиз тили 8543та мактабда 3,01 млн. нафар, немис тили 1589та мактабда 316 минг нафар, француз тили 1076та мактабда 216 минг нафар, бошқа (испан, ҳинд, араб, корейс, хитой ва ҳ. тиллар 27та мактабда 6300 нафар ўқувчига) ўргатилди<sup>1</sup>.

Ушбу ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 1-синфларида 631,2 минг, 2-синфларда 583,5 минг нафар, 3-синфларда 539,3 минг нафар ўқувчи чет тилини ўрганмоқда (ўртача 94,2% инглиз тили, 3,4% немис тили, 2,4% француз).

Уларга бугунги кунда Республикамиз умумтаълим мактабларида 21611 нафар инглиз тили, 3324 нафар немис тили ва 2302 нафар француз тили ўқитувчилари чет тилларини ўргатиб келишмоқда

Юқоридаги рақамларга эътибор қаратилса, чет тиллар дислокациясида ўзгаришлар сезилади, яъни кейинги пайтлари инглиз тилининг ўқитилиш кўрсаткичлари 94,1%га ошганлиги ва бу ўз навбатида немис ва француз тилларини ўрганувчи контингентнинг камайишига олиб келмоқда. Шу ўринда профессор К. Ханазаровнинг “Предпочтительность английского языка определяется не чьими-то симпатиями или антипатиями к этому языку, а его более “высокой производительностью” что имеет решающее значение в условиях рыночной экономики”(4, 62) деган фикрларини бугунги ҳолатга жавоб тариқасида (мазмундан узоқлашмаслик мақсадида матн аслиятда берилди – *Н. А.*) иқтибос сифатида келтириш мумкин деб ҳисоблайман.

Афсуски, олдинги мақолалар ва ҳисоботларда ҳам айтиб ўтилганидек юқоридаги барча чет тили ўқитувчиларининг ҳам салоҳияти, касбий маҳорати, чет тилини билиш даражаси юқори эмас. Аксарияти тил соҳиблари билан рўбарў келганда мулоқотга кириша олмасдан қийналишади. Бунинг ҳам объектив ва субъектив сабаблари бор. Кимлардадир, олий таълим муассасаларида чет тилини ўрганиши етарли бўлмаган, яна бирларида эса иш даврида бугунги кундагидек талаб бўлмаган, ва қолаверса кўпроқ катта ёшдаги чет тили ўқитувчиларининг олдинги стандарт талбаларига кўра чет тилини ўрганишда коммуникация бирламчи мақсад сифатида қаралмаганлигидадир.

Маълумки, собиқ иттифоқ даврида чет тилини ўрганишга бўлган ёндашув мафкура билан боғлиқ равишда амалга оширилган. Тил ўргатишда

---

<sup>1</sup>Халқ таълими вазирлигининг 2014–2015 ўқув йили асосий кўрсаткичларидан олинган.

мулоқот учун керак бўладиган жиҳатларни эмас, балки турли қўшимча коидаларни ёдлатиш, фақат ёздириш ва ўқитиш орқали чет тилини номига, ташқи дунёдан ажралган ҳолдаги сиёсатга боғлиб ўргатиш амал қилган. Оқибатда, нафақат нофилологик йўналишда чет тили ўрганганлар, балки чет тили мутахассиси ҳам хорижлик билан учрашганда мулоқотга кириша олмаган.

Бугунги кунда эса Умумевропа компетенцияларига асосланган Ўзбекистоннинг ДТС талабларида Ўзбекистон Республикасида таълимнинг барча босқичларида чет тилини ўқитишнинг асосий мақсади ўрганувчиларнинг кўп маданиятли дунёда кундалик, илмий ва касбга оид соҳаларда фаолият олиб бориши учун чет тилида коммуникатив компетенцияни шакллантиришдан иборатдир. Шу нуқтаи назардан яратилаётган дарслик-мажмуаларида ҳам нутқ фаолиятининг “Тинглаб тушуниш” ва “Гапириш” компетенциялари биринчи планга чиқарилган ва барча ўқитувчилар ҳам шунга амал қилиш талаб этилади.

Бунга амал қилиш учун 45 дақиқалик чет тили дарсларида ўқитувчи чет тили муҳитини яратиши керак бўлади. Болалар билан иложи борича содда, мавзу юзасидан терминлар доирасида чет тилида савол-жавоб қилиш, уларни ўйнатиб, қизиқтириб машғулотларни ўтиш мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда яна бир масалага ойдинлик киритиш учун чет тили ўқитувчилари эътибор қаратишлари лозим бўлган ҳолат мавжуд. Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида дарс бериш учун чет тили ўқитувчиси – ўзи дарс бераётган чет тилини қай даражада билиши талаб этилиши керак? Бугунги кунда улар учун янги ДТС талабларига кўра В 2 “Чет тилини ўрганишнинг мустақил мулоқот даражаси”да билишлари сўралмоқда. Бу қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлигини вақт кўрсатади. Умумтаълим мактабларида чет тили ўқитувчиси бошланғич синфларда ҳам



юқори синфларда ҳам дарс беради, бу эса бошланғич синф чет тили ўқитувчиси учун алоҳида тилни билиш даражаси учун меъёр белгилаб бера олмасликка олиб келади.

Жорий йилда Францияга хизмат сафаримиз чоғида бошланғич мактабларда бўлиб, чет тилининг ўқитилиш жараёни билан қизиқдик. Хусусан, Везине шаҳаридаги Мэрлет

бошланғич мактабда (*Le Vésinet 78, 67 Avenue du Belloy*), CE2 — (7–8 ёш) синфда инглиз тили дарсини кузатдик.



Ўқитувчи асосан болалар билан “Тана аъзолари” мавзусида оғзаки нутқ устида ишламоқда. Тинглаб тушуниш учун диск кўйиб берди, болалар эса тушунганларини иш дафтарига чизишмоқда. Болаларнинг кўлида шу кунни китоб йўқ, кўпроқ иш дафтари билан ишлашмоқда. Синф хонасида кўплаб қўшимча чет тилидаги адабиётлар, эртак китоблар ва техник

воситалар бор, уларда ҳам китобларнинг тўлиқ бепул эканлигига гувоҳ бўлдик. Ўқитувчиси болалар билан секин, иложи борича француз тилини аралаштирмасдан инглиз тилида гаплашмоқда, сўзларни такрор-такрор ишлатиш, тушунмаса қўл ҳаракатлари, мимика билан болаларга етказишга ҳаракат қилмоқда, болалар жуда ҳам эркин ва бемалол.

Шу мактабда бошқа бир синфда қизиқ бир ҳолат кузатилди. Ўқитувчи бир синфда икки хил ёшдаги 20 нафардан ортиқ ўқувчиларга чет тилини ўргатмоқда. 6 ёшли (CP) ва 9 ёшли (CM1) болалар бир-бирига ўргатиб, чет тилини ўрганишмоқда. Бир нарса аниқ бўлдики, Францияда А-1 даражада чет тилини эгаллаш учун ўқувчиларга 5 йил кўзда тутилган экан. Ўзбекистонда эса 4 йил давомида ўқувчиларимизни А-1 даражага етказиш меъёри қўйилган. Ушбу талабни ҳам ДТСни такомиллаштириш пайтида қайта кўриб чиқиш керакка ўхшайди. Балки ҳар бир компетенцияни эгаллаш учун алоҳида вақт ва муддат талаб қилинар, кимдир тезроқ гапиришни ўрганеди, кимдир тушунади ва бошқалар олдин ўқиш ёки ёзишни тезроқ ўзлаштиради.

Яна бир неча синфни айланиб, қизиқ ҳолатнинг гувоҳи бўлдикки, ушбу мактабда чет тилидан бошланғич синфларда дарс бераётган бирорта ўқитувчи чет тили мутахассиси эмас экан. Яъни ўқувчиларга бошланғич синфларда барча фанлардан дарс берадиган ўқитувчиларнинг ўзлари инглиз тилидан ҳам дарс ўтишмоқда. Бунинг учун олий таълим муассасасини битиришда, бошланғич синф ўқитувчиси квалификациясини олиб чиқиш учун, чет тилини ҳам белгиланган талаб даражасида эгаллаган бўлиши талаб этилар экан. Ўйлайманки, вақти келиб, бизда ҳам чет тилини ўзи ўқитадиган бошланғич синф ўқитувчилари етишиб чиқади.

Бошланғич синф ўқитувчилари ҳақида гап кетар экан, яна бир фарқли жихатни кўрдик. Ўзбекистонда бошланғич синф ўқитувчиси болаларни 1-синфдан 4-синфгача ўзи ўқитса, Францияда улар ҳар йили алмашишар экан.

Францияда умумтаълим мактабларида синф журналларининг шакли ҳам Ўзбекистондагидан фарқ қилган ҳолда, чет тилларидан ўқувчилар билимини баҳолашда нутқ фаолияти турларига ажратган ҳолда ёндашилишига дуч келдик, яъни: “Listening – тинглаб тушуниш”, Speaking – гапириш”, “Writing – ёзиш” ва “Reading – ўқиш” учун алоҳида ўз давлатида қабул қилинган баҳолаш мезонларига мос равишда баҳо қўйилади. Шу ўринда мамлакатимизда ўқувчи ёки талабаларнинг чет тилини билиш даражасини баҳолаш йўналишида аҳвол қандай деган савол туғилади.

Европа ҳамжамиятига аъзо давлатларда чет тилларини ўргатишда амалда фойдаланиб келинаётган “CEFR — Чет тилини билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўргатиш, баҳолаш”(3) асосида “Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг чет тили бўйича давлат таълим стандарти”ни яратишда мамлакатимизда ўрганиш ва ўргатиш қисмлари олинган ва баҳолаш қисми жараёндан четда қолган. Халқ таълими тизимида 2013 йилдан 1-синфдан бошлаб, босқичма-босқич жорий этиб келинаётган ислохотлар натижасида фарзандларимизнинг чет тилини қай даражада эгаллаётганликларини аниқлаш учун энди баҳолаш (assessment) мезонларини ишлаб чиқиш навбати келди. Уни барча таълим босқичлари учун ягоналикка келтириш устида мутахассислар биргаликда ишлаши бугунги кун эҳтиёжи ва талабига айланмоқда.

Айни пайтда ўқувчи ёки талабалар билимини барча фанлардан баҳолаш, таълимнинг 3та босқичида, умумтаълим мактабларида бошқача (5 баллик тизим), ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида эса бошқа-бошқа эканлигининг ўзи бир муаммо сифатида қаралиши керак.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, “Баҳолаш таълим жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, унинг қандай ташкил этилиши нафақат ўқитиш самарадорлигини оширади, балки ўрганувчиларнинг мотивациясини оширишга ҳам хизмат қилади”(2, 87).

Агар ушбу муаммони таълимнинг барча босқичларида ўқувчи ёки талабаларнинг чет тилини ўзлаштирганлик даражасини ягона талаб даражасида баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий қилинса, сўнгра бошқа фанлар учун ҳам тажрибадан ўтказиб кўриш мумкин бўлиб, бир қатор муаммолар ўз ечимини топган бўлар эди.

Юқорида ўқитувчиларнинг салоҳияти, касбий маҳоратининг пастлиги муаммоси хусусида тўхталдик. Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, чет тилларидан янги Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари жорий этилиши муносабати билан 2013-2014 йилларда махсус ишлаб чиқилган 144 соатлик дастур асосида умумтаълим мактабларининг барча чет тили ўқитувчилари қайта тайёрланди. Шунингдек, 1–2-синфларда дарс берувчи ўқитувчилар дарслик мажмуаларидан фойдаланишга ўргатиш методикаси бўйича махсус 36 соатлик дастур асосида қўшимча тайёргарликдан ўтказилди.

Жорий ўқув йили олдидан янгидан яратилган 3-синф чет тили дарслик мажмуаларидан фойдаланишга ўргатишга мўлжалланган 36 соатлик курслар ташкил этилиб, 18 минг нафарга яқин ўқитувчиларнинг малакаси оширилди.

Чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада ошириш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 мартдаги 67-қарори асосида март ойидан бошлаб, инглиз тили ўқитувчилари учун амалдаги малака ошириш жараёнига қўшимча равишда (хафтада бир марта 6 соатлик) чет тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини оширишга мўлжалланган узлуксиз малака ошириш курслари ташкил этилди.

Мазкур курсларнинг биринчи босқичида 19113 нафар инглиз тили ўқитувчилари жалб этилиб, улар ўз ҳудудларидаги 576та таянч мактаблар базасида 732 нафар малакали тренер-ўқитувчилар ёрдамида малакаларини оширдилар. Ушбу курсларга услубий раҳбарлик Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги “Чет тилларини ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази” томонидан амалга оширилмоқда.

Тажрибали мутахассислар томонидан тайёрланаётган ўқув-методик қўлланмалар ҳар бир тренер ва ўқитувчилар учун умумий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ўқитувчиларнинг ёзма нутқ кўникмалари ва стратегияларини, оғзаки нутқ кўникмалари ва стратегияларини ҳамда касбий компетенция ва педагогик маҳорат (CPD)ни оширишга қаратилган машқлар, тошириқлардан иборат ҳолатда яратилиб, чоп этилиб жойларга етказилмоқда. Мазкур методикалар ҳам бошланғич синфларда чет тилларни ўқитишни жадаллаштириш методикаларидан ҳисобланади.

Чет тили ўқитувчилари, жумладан бошланғич синфларда ҳам дарс бераётган чет тили ўқитувчиларининг қуйидаги 3та модул йўналишида ўқитиш амалга оширилмоқда:



**1-модул.** Касбий салоҳияти ва педагогик маҳоратни ошириш ҳамда чет тилини ўргатишда коммуникатив ёндашув; сўз ва ибораларни (лексика) тушунтириш технологияси, талаффузни ўргатишнинг самарали методлари, тил ва нутқ бирликларини ўргатиш методикаси, тинглаб тушуниш кўникма ва малакаларини шакллантириш методлари, чет тилида ўқишни ўргатиш методикаси, гапириш кўникмасини ривожлантириш методикаси, инглиз тили дарсларида ёзиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш методикаси

**2-модул.** Ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш методикаси йўналишини, чет тили дарсларини ташкил этишнинг замонавий методлари, дарснинг таркибий қисмлари ва уларни тақдим этиш методикаси, чет тили дарсларида дидактик материаллардан самарали фойдаланиш, чет тилини ўргатишда она тилининг ўрни (интерференция), тилни ўрганишда “хато” ва уни тузатишнинг самарали йўллари.

**3-модул.** Чет тилларини билиш даражасини аниқлаш бўйича тест тизими, чет тиллари бўйича Халқаро тест тизими, Ўзбекистон Республикасининг Чет тилларини билиш даражасини аниқлаш бўйича миллий тест тизими йўналишида ўқувлар олиб борилмоқда.

Ушбу йўналишларда 2015 йилнинг март-июнь ойларида 72 соат ҳажмда малака оширган 19 мингдан ортиқ инглиз тили ўқитувчилари ҳар ой якунида оралик ва июн ойининг охирида якуний аттестациядан ўтказилиб, улардан 3016 нафари юқори натижа кўрсатиб ўқишлардан озод этилди, шу билан бир қаторда умумтаълим мактабларига янгидан ишга келаётган 2000 нафардан ортиқ инглиз тили ўқитувчилари ҳам тингловчилар сафига кўшилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 9 апрелдаги 109-сонли қарори билан чет тили ўқитувчиларининг ойлик маоши тариф ставкаларига қишлоқ жойлардаги таълим муассасаларида 30% ва бошқа таълим муассасаларида 15% миқдорида қўшимчалар тўлаш кўзда тутилган. Чет тили ўқитувчилари устама ҳақ олиш учун Давлат тест марказининг [dtm.uz](http://dtm.uz) сайти орқали ариза бериб, тест синовларида иштирок этмоқдалар. Бугунги кунда 726 нафар чет тили ўқитувчилари ойига 15% ва 30% устама олмоқда. Бу кўрсаткич, албатта, жуда паст. Жами 26 минг нафардан ортиқ чет тили ўқитувчиларига нисбатан, қониқарсиз ҳолатдир.

Жорий йилнинг 1723 август кунлари ушбу курсларнинг 2-босқичини давом эттиришга мўлжалланган тренерлар учун махсус ўқув машғулотлари ўтказилди. Унда 828 нафар тренерлар (642 нафари амалдаги ва 186 нафари янги) махсус тайёрланиб, тренер сифатида ишлашга асос бўладиган

сертификатларга эга бўлишди. Ушбу тренер ўқитувчилар сентябрь-декабрь ойларида барча туман ва шаҳарларда ташкил этиладиган 637та таянч мактабларда ўқув машғулотларини олиб бормоқдалар. Мазкур машғулотлар ҳам умумтаълим мактабларида инглиз тилидан дарс бераётган ўқитувчиларнинг тилини чархлашга, методикасини оширишга қаратилган ва албатта, кундан-кунга бу ҳаракатлар ўқитувчиларга ижобий таъсирини кўрсатиши табиий.

Бугунги кунда чет тили ўқитувчиси тўлақонли ва сифатли дарс ўтиши учун улар дарс ўтаётган дарс хоналарининг жиҳозланганлиги жуда муҳим. Шу муаммоларни англаган ҳукумат раҳбарларига раҳмат, алоҳида қарор қабул қилиб, 2013–2016 йилларда 17222 бошланғич чет тили хоналарини босқичма-босқич жиҳозлаб бормоқда ва чет тили хоналарининг моддий-техника базаси яхшиланиб бормоқда. 2013-2014 йилларда умумтаълим мактабларининг 1–4 синф чет тиллари кабинетлари учун жами 6650 синф тўплам (2013 йил 2457 тўплам, 2014 йилда 4193 тўплам) 16,3 млрд. сўмлик техник воситалар (ноутбук, проектор, овоз кучайтиргич, сичқонча, TV-тюнер, маркерли доска ва бошқа) ва 17 222 синф тўплам ўқув кўргазмалари куроллари (расмлар, муляжлар, луғатлар, адабиётлар) ҳамда шунча миқдорда DVD-плеер магнитола харид қилинди.

Шунингдек, умумтаълим мактабларининг 5–9 синф чет тиллари кабинетлари учун жами 2 985 тўплам (2013 йилда 1485 синф тўплам, 2014 йилда 1500 синф тўплам) ёки 88,7 млрд. сўмлик компьютер техникалари етказиб берилди.

Жорий йилда умумтаълим мактабларининг 1–4 синф чет тиллари хоналари учун 5286 синф тўплам техник воситалар (ноутбук, проектор, овоз кучайтиргич, сичқонча, TV-тюнер, маркерли доска ва бошқа) ва 5–9 синф чет тиллари кабинетлари учун 2800 тўплам компьютер техникалари харид қилиниши режалаштирилган.



Бугунги кунда Хитой Халқ Республикасининг 13,5 млн. АҚШ доллари миқдордаги грант маблағлари ҳисобидан 1–4-синф чет тиллари хоналари учун 6775 синф тўплам техник воситалар жойларга етказиб берилди.

5–9 синф чет тиллари кабинетларига режалаштирилган 2800 тўплам компьютер техникаларидан 277 тўплами бюджет ҳисобидан, 1220 тўплами таълимда халқаро ҳамкорлик ташкилотининг грант маблағлари ҳисобидан, 1303 тўплам Хитой Халқ Республикасининг грант маблағлари ҳисобидан таъминланиши кўзда тутилган.

Чет тили хоналарига етказиб берилаётган замонавий техник воситалар, кўргазмали қуроллар ўқитувчиларга тўлақонли ва сифатли дарс ўтишлари учун кўл келмоқда.

Айниқса, болажонларимизнинг видеолавҳаларни кўриб, аудио материалларни эшитиб, ўйинларда бирга иштирок этишлари уларни чет тилини ўрганишга бўлган қизиқишини янада ошишига хизмат қилмоқда.

Натижада, бугунги кунга келиб, ўқув йили давомида 1-синфлардаги ўқувчилар 150 та сўзни ўрганган бўлса, 2-синфлардаги ўқувчилар эса ўқиш, ёзиш ва ўқиган материаллар бўйича чет тилида мулоқотда бўлишнинг дастлабки даражасида ўрганишди, шунингдек, уларда гаплашиш кўникмалари (300 та сўз) шаклланди.

Эътиборга молик томони, 1–2 синф ўқувчиларининг 5–6 синф ўқувчиларига нисбатан оғзаки нутқда сўзлар луғати бойлиги, талаффузи ва сўз бирикмаларидан фойдаланиш даражаси бўйича устунлиги кузатилмоқда.

Бугунги кунда умумтаълим мактабларининг 4-синфлари учун чет тили дарслик мажмуаларини яратиш устида тинимсиз ишланмоқда.

Лекин чет тили хоналарига етказиб берилган шунча миқдордаги техник воситалардан барча ўқитувчилар ҳам самарали фойдаланмоқда, деб бўлмайди. Айрим ҳолларда ишлатишни билмайди, бошқа ҳолларда масъулиятсизлик натижасида фойдаланилмасдан турган ҳолатлар ҳам учрайди. Ахир илк бор чет тилидан босқичма-босқич яратилаётган мультимедиа дисклар, ўқитувчи китобига илова қилинган ҳолда барча таълим муассасаларига етказиб берилмоқда. Ушбу дискларда ўқувчилар тенгдошларининг, тил соҳибларининг ўтилаётган мавзулар доирасида суҳбатлари, диалог, матнларни эшитиши, саволарга жавоб беришлари, шеър айтиши ва қўшиқ куйлаши каби аудио-видеолавҳаларни томоша қилиш орқали уларда тинглаб тушуниш компетенциялари, англаш шаклланади ва тўғри талаффуз артикуляцияси ривожланиб боради. Демак, мультимедиа дисклардан фойдаланмаслик эса бунинг акси сифатида жараёнга салбий таъсир кўрсатади.

Яна бир эътибор берилиши лозим бўлган жиҳат, бошланғич синфларда дарс бераётган чет тили ўқитувчиларда кичик ёшли болалар билан ишлаш

тажрибасининг етишмаётганлиги қайд этилган эди. Ушбу муаммонинг ечими сифатида 2015–2016 ўқув йилидан бошлаб чет тили бўйича мутахассис тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида 36 соат ҳажмда “Бошланғич синф методикаси” ўқитила бошланди. Ўйлаймизки, энди олий таълим муассасаларини битираётган ука ва синглилларимиз мактабларда кичик ёшдаги болалар билан ишлашга тайёр ҳолда кела бошлайди.

Бошланғич синфда дарс бераётган ўқитувчи ота-оналар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйиши лозим. Уйга вазифа учун “Workbook”да берилаётган уйга вазифаларни болалар уйда ота-оналари билан бирга бажариш орқали “Ҳамкорлик педагогикаси” ҳам ишга тушиб, натижаси ота-онада ҳам болада ҳам кўрина бошлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимизнинг Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштиришга доир ПҚ–1875-сонли қарори ижросига тўлиқ эришиш учун яратилаётган шарт-шароитлардан самаралари фойдаланган ҳолда сифатли дарсни ташкил этиш бугунги кунда асосан бошланғич синф чет тили ўқитувчиларига боғлиқ бўлиб, улар ҳар бирининг ўз устида тинимсиз ишлаши ва бунинг шогирдларида акс этишига эришиш кутилаётган натижа десак, муболаға бўлмайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг чет тили бўйича давлат таълим стандарти. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сонли қарорига 1-илова.
2. Нишонов П. Чет тили таълимида талабалар билимини баҳолаш муаммолари// Ўзбекистон FLEDU.uz. 2015 йил, 2-сон. – Б. 86–90.
3. Общеввропейские компетенции владения иностранным языком: Изучение, обучение, оценка. Департамент по языковой политике. – Страсбург. European language Portfolio: Portfolio européen des langues. Совет Европы, 2001. – 248 с.
4. Ханазаров К.Х. К проблеме философии языка. – Ташкент: Узбекистан, 2007.